



ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯСИ: ИСТИҚБОЛ АНИҚ, МАҚСАД МУШТАРАК

Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Минск шаҳрида ўтган Евроосиё иқтисодий анжуманида иштирок этди. Давлат раҳбари “Евроосиё иқтисодий интеграцияси стратегияси: натижалар ва истиқбол” мавзuidaги пленар сессияда нутқ сўзлади.

Президент таъкидлаганидек, мазкур анжуман интеграция жараёнлари доирасидаги муҳим муаммолар юзасидан очик ва самарали мулоқот учун муҳим майдонга айланган.

– Бугун Евроосиё иқтисодий иттифоқи янги тараққиёт босқичида турибди. Иттифок 2,6 триллион долларлик умумий иқтисодий салоҳияти билан Евроосиё минтақасида энг йirik бирлашмалардан бирига айланган. Ўтган йили ўзаро савдо ҳажми 98 миллиард долларни ташкил этди. Бу 2015 йилга нисбатан деярли икки баравар ўсиш демакдир. Мамлакатларимизнинг умумий ички ялпи маҳсулотининг ўсиш суръати эса иккинчи йилдирки, жаҳон кўрсаткичларидан юқори бўлиб келмоқда. Бу борадаги ютуқларимиз интеграция жараёни икки томонлама манфаатли эканлигини кўрсатиб турибди, – деди Қ. Тўқаев.

Давлат раҳбарининг фикрича, Евроосиё иқтисодий иттифоқини янада ривожлантириш тенглик, ўзаро манфаатдорлик ва прагматизм тамойиллари асосида амалга оширилиши керак.

Президент рақамли технологияларнинг савдо-иқтисодий алоқалардаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди.

– Замонавий дунёдаги мураккаб даъватлар иқтисодий тараққиётга янги ёндашувларни талаб этмоқда. Бу борада рақамли технологиялар ҳал қилувчи ўрин тутмоқда. Айниқса, сунъий идрок дастурлари ва рақамли ҳужжат айирбошлаш тизимлари иттифок давлатлари иқтисодиётининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Бу орқали харажатлар камайди, товар айланими тезлашди, ишбилармонлар учун ягона бозорга кириш осонлашди, – деди Президент.

Қасим-Жўмарт Тўқаев таъкидлаганидек, дунёда рақамлаштириш жараёни кескин суръатларда олиб боришмоқда. Бу жараёнинг марказида эса сунъий идрок технологиялари турибди. Ушбу технология фақат ишлаб чиқариш самарадорлигини оширибгина қолмай, иқтисодиёт, давлат ва жамият бошқаруви тамойилларини ҳам тубдан ўзгартирмоқда.

Давлат раҳбари шу билан бирга, сунъий идрок билан боғлиқ хавф-хатарларга ҳам эътибор қаратди.

– Бугун ChatGPT каби сунъий идрок асосида ишловчи дастурлардан талабалардан тортиб, баъзи сиёсатчилар ҳам фойдаланмоқда. Бу рақамли тараққиётнинг қутилган ва қутилмаган таъсирларидан биридир. Аммо асосийси – сунъий идрок иқтисодиётимиз ва давлат бошқарувига янги нафас, янги имконият олиб кирмоқда, – дея таъкидлади Президент.

Унинг сўзларига кўра, 2030 йилга қадар рақамлаштириш ва сунъий идрок жаҳон иқтисодиётига 15 триллион доллар даромад келтириши, 300 миллионга яқин иш ўринларини алмаштириши мумкин.

– Ҳозирги кунда сунъий идрок соҳасида халқаро рақобат кучаймоқда. Евроосиё иқтисодий иттифоқи эса ушбу дунёвий жараёнда фаол иштирок этиши ва ўз ўрнини мустаҳкамлаши керак. Бунинг учун мавжуд имкониятлардан вақтида фойдаланиш зарур, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Шу муносабат билан Президент Қозоғистоннинг келгуси йилда иттифокқа раислик қилиши доирасида сунъий идрок соҳасидаги ҳамкорликни кучайтиришга бағишланган алоҳида йиғилиш ўтказишни тақлиф қилди.

Давлат раҳбари Қозоғистонда бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берди.

– Миллий рақамли инфратузилмаимизни босқичма-босқич ривожлантириб, яқин вақт ичида улкан ҳисоблаш имкониятига эга бўлган суперкомпьютерни ишга туширамиз. Бу орқали улкан ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ва мураккаб муҳандислик масалаларини ечиш имкони яратилади. Сунъий идрок соҳасида миллий қонунчилик ҳам ишлаб чиқилмоқда, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Унинг таъкидлашича, Қозоғистон халқаро университетлар ва илмий марказлар билан ҳамкорликни кенгайтириб, ёш мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

– Жорий йилда Астана шаҳрида Халқаро сунъий идрок маркази — “AleM.AI” фаолияти йўлга қўйилади. Шунингдек, криптовалюта соҳасида дунё экспертларини жалб қиладиган инновацион “CryptoCity” ҳудуди ташкил этилади. Бу ерда рақамли активлардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқий ва технологик ечимларни синовдан ўтказамиз, – деди Президент.

Қ. Тўқаевнинг фикрича, замонавий рақамли технологиялар мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликка янги суръат бағишлайди.

– Бу борада бизда етарли тажриба, ҳуқуқий асос ва аниқ мақсадлар мавжуд. Асосийси, ҳамжиҳатликда, амалий ва олдиндан ҳаракат қилиш лозим. Бундан кўзланган мақсад – сунъий идрокни иқтисодий тараққиёт ва дунёвий рақобатбардошлик манбаига айлантириш. Евроосиё иқтисодий иттифоқини самарали, шаффоф ва замон талабларига жавоб берадиган шаклда янада ривожлантириш тарафдоримиз, – дея сўзини якунлади Давлат раҳбари.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

Бугун - Оммавий ахборот воситалари
ходимлари кун

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 28 июнь, шанба, №67 (3568).

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ



Қозоғистон Республикаси Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош қўмондонни Қасим-Жўмарт Тўқаев XI халқаро «Айбын» ҳарбий-ватанпарвар ёшлар йиғинининг очилиш маросимида иштирок этди.

Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони Алия Мўлдағулованинг 100 йиллик юбилейга бағишланган мазкур тадбир Қозоғистонда ҳар йили анъанавий равишда ўтказилади ва ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Жорий йилги йиғинда Қозоғистон, Озарбайжон, Беларусь, Қирғизистон, Россия ва Ўзбекистон давлатларидан 800 нафарга яқин ёшлар иштирок этди.

Президент ўз нутқида бу каби тадбирлар орқали ёшларда Ватанга муҳаббат, жасорат ва масъулият ҳисси мустаҳкамланишини таъкидлади.

– Халқимиз Буюк Ғалабага улкан ҳисса қўшди. 1 миллион

200 мингдан ортиқ юртдошимиз фронтга жўнаб кетди, уларнинг ярми қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Минглаб одамлар фронт ортида меҳнат қилиб, армияни озик-овқат, қурол-яроғ ва ўқ-дорилар билан таъминлади. Қаҳрамонларимиз – уруш ва меҳнат frontiда фидокорона хизмат қилган инсонларни ҳеч қачон унутмаймиз, – деди Президент.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, бугунги кескин ва хавфли даврда ана шундай тарихий ҳақиқатдан тўғри хулоса чиқариш, тинчлик қадрини чуқур англаш ёшларнинг бурчидир.

– Бугун дунёда зиддият ва низолар тобора кучайиб бормоқда. Бундай шароитда мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч ва англа-

шув муҳим аҳамиятга эга. «Айбын» йиғини халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилад

ди, – дея таъкидлади Қ. Тўқаев. Президент ҳарбий хизмат шарафли бурч эканлигини, давлатимиз ёш авлоднинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади.

– Қудратли Армия – мустақиллик асоси ва барқарор тараққиёт гаровидир. Бугун сафда турган аскарлар – ҳақиқий ватанпарвар, жасур ва мустаҳкам иродали йигитлар. Қозоғистон Армиясининг келажаги сизларнинг қўлингизда! Адолатли ва Хавфсиз Қозоғистонни бунёд этадиган ҳам сизларсиз. Олий Бош қўмондон сифатида мен юртимизнинг биллими, садоқати ва фидойи ёшларига ишонаман! Яқин кунларда сизларнинг жисмоний ва ақлий салоҳиятингиз синовдан ўтади. Ҳарбий хизмат қандай эканини ҳис қилиб, замонавий армиянинг

илғор технологиялари билан танишасизлар. Ҳақиқий жангчи – фақат меҳнат, интизом ва масъулият билан ғалабага етади. Тактик ўйинлар давомида сизларга жасорат ва тезкор қарор қабул қилиш қобилияти зарур бўлади. Жамоада ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш, бир-бирингизга ёрдам бериш талаб қилинади. Бугунги йиғинда Қозоғистон шарафини «Жас сарбаз» ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатининг энг яхши вакиллари ҳимоя қилад

ди. Ишончим комилки, ёшларимиз мусобақаларда ўз салоҳиятини намоён этиш билан бирга, халқимизнинг меҳмондўстлиги, очикқўнгиллиги ва бағрикенглигини бутун дунёга муносиб тарзда намоён эта олади. Шу ерда сизлар янги кўникмаларни эгаллаб, садоқатли дўстлар топасизлар ва ёрқин таассуротлар билан қайтасизлар. Барчангизга омад тилайман! – деди Президент.

Akorda.kz.

Сўз – юрт равақи ва эл эзгулиги
йўлида хизмат қилсин!



рийятларни мустаҳкамлаш, фуқароларимизнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятда фаол фуқаролик нуқтаи назарини шакллантириш йўлида сизларнинг эзгу савий ҳаракатларингиз юксак баҳога лойиқ.

Шу муносабат билан барчангизни яна бир бор табриқлаймиз. Газета ва журналлар, ахбо-

рот агентликлари, телеканал ва радио, интернет сайтлари, ижтимоий тармоқларда фаолият олиб бораётган барча журналистлар, таҳририят ходимлари, жамоатчи мухбирлар, обуна ташкилотчилари ва соҳа фахрийларига муваффақиятлар тилаймиз.

Қаламингиз доимо ўткир, ижодингиз янги го

садларга бой бўлсин! Ҳар бир сўзингиз, ҳар бир мақолангиз эл-юрт манфаати йўлида хизмат қилсин.

Сизларга сиҳат-саломатлик, ижодий муваффақиятлар, оилангизга тинчлик-хотиржамлик, хонадонларингизга файзу барака тилаймиз.

ТАҲРИРИЯТ.



МИНТАҚА ТАРАҚҚИЁТИ – ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

Саккизинчи чақириқ Туркистон вилоят маслаҳатининг навбатдаги ўн еттинчи сессияси ўтди. Сессия аввалида маслаҳат раиси янги тайинланган кадрларни депутатларга таништирди.

Тадбирда вилоят ҳокими Н. Кўшеров, вилоят ҳокимлиги аъзолари, шаҳар ва туман маслаҳатлари раислари, давлат идоралари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Сессияни вилоят маслаҳати раиси Н. Абишов олиб борди. Кун тартибида 21та муҳим масала кўриб чиқилди.

Жумладан, вилоят ҳокимлиги ва вилоят тафтиш комиссияси, энергетика ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси, сафарбарлик тайёргарлиги, ҳудудий ва фуқаро мудофааси бошқармаси, ветеринария бошқармаси ҳисоблари тингланди.

Шунингдек, вилоят тадбиркор-

лик ва саноат бошқармаси томонидан фойдали қазилмаларни қазиб олиш, лицензия шартлари-га риоя қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Депутатлар кўтарилган масалалар бўйича фаол фикр билдириб, қарор лойиҳаларига тегишли таклиф ва тавсияларни бердилар.

Сессияда кадрлар таркибидagi ўзгаришларга мувофиқ, Туркистон вилояти ҳокимлиги ҳу-

зуридаги қатор комиссиялар таркибига ўзгартиришлар киритилди. Йиғилиш якунида муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессия сўнггида вилоят ҳокими Н. Кўшеров йиғилиш иш-тирокчиларига миннатдорчилик билдириб, маслаҳат ишига муваффақиятлар тилади.

Туркистон вилояти маслаҳати.

ИНДУСТРИАЛ МИНТАҚАЛАР – ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ



Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров Саврон туманига хизмат ташрифи доирасида янги саноат минтақаларининг қурилиши билан яқиндан танишди.

Инфратузилма билан таъминланган индустриал майдонлар тадбиркорлики ривожлантириш билан бирга, маҳаллий аҳолини иш билан таъминлашда ҳам катта имкониятлар яратмоқда.

2024-2026 йилларда Саврон туманида 5та саноат минтақа-



сини барпо этиш режаланган. Хусусан, Қорачиқ, Ясси, Югнак, Чўрноқ ва Учқайиқ қишлоқ округларида 55 гектарга яқин майдон ажратилиб, 115та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Ҳозирда 60 нафар тадбиркор билан меморандум имзоланиб, уларнинг 30 нафари қурилиш ишларини бошлаб юборган. Вилоят раҳбари Нуралхан Кўшеров таъкидлаганидек, мазкур лойи-

ҳалар нафақат тадбиркорликини ривожлантиради, балки маҳаллий аҳоли учун барқарор даромад манбаини яратеди.

– Индустриал минтақага сармоя жалб этиш, тадбиркорлик фаоллигини ошириш, меҳнат бозорини қўллаб-қувватлашда самарали воситадир. Биз тадбиркорлар учун зарур инфратузилмани яратиб, маҳсулотларни бир марказда жамлаш орқали уларнинг маҳсулоти бозорга киришини енгиллаштирамиз. Бу эса Туркистон вилояти иқтисодиёти келажигига қўйилган сармоядир, – деди Нуралхан Кўшеров.

Ташриф давомида вилоят ҳокими дастлаб Енбекши Дихан қишлоғидаги «Иасси» индустриал минтақасида бўлди. Бу ерда 9 гектар майдонда 24та лойиҳа амалга оширилади. Шу жумладан, 16 нафар тадбиркор лойиҳа бўйича иш бошлаган. Мазкур минтақада мебель, тикувчилик, йўл белгилари, бўёқ, қоғоз, пластик, ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехлари ишга туширилади. Умумий сармоя ҳажми 6,3 миллиард тенге бўлиб, 600дан зиёд иш ўрни яратилади. 10 гектар майдонда жойлашган «Қорачиқ» саноат минтақасида 20та лойиҳа амалга оширилади. 12 нафар тадбиркор қурилиш ишларини бошлаб юборган.

Ушбу минтақада эшик-дараза, вентиляция қувурлари, резина қопламалар, пластик идишлар, тикувчилик ва жиҳоз ишлаб чиқариш цехлари очилади. Лойиҳанинг умумий қиймати – 4,5 млрд. тенге, иш ўринлари – 170. Югнак қишлоқ округида жойлашган «MinPromKaz» МЧБ қуруқ қурилиш аралашмаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. 5 гектар майдонда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Корхона ишга туширилгач, йилига 300 тонна маҳсулот ишлаб чиқариб, 300 киши доимий иш билан таъминланади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ТОЗАЛИК ВА ТАРТИБ УСТУВОР БЎЛИШИ КЕРАК

парварлигини намоён этувчи аниқ қадам деб биламиз.. Бу – фақат бир кунлик тадбир эмас, узок муддатли, тизимли тадбирларнинг бир қисмига айланган. Шунинг учун ҳам биз барча фуқароларни, муассасалар ва ташкилотлар, айниқса, ёшларни айнан шундай эзгу ташаббусларда фаол иштирок этишга чақирамиз. Ёнгин хавфсизлигининг олдини олиш чоралари қатъий назорат остига олиниши керак, – деди Зулпихар Сансизбайули.

Қайд этиш жоиз, йил бошидан буён ободонлаштириш қоидаларини бузиш, умумий фойдаланишга мўлжалланган жойларни ифлослантириш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан 130та огоҳлантириш, 642та маъмурий баённома расмийлаштирилди. Натижада, 11,3 млн. тенге миқдорида жарима солиниб, унинг 9,3 млн. тенгеси ундирилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

“Тоza Қозоғистон” дастури Тўлебий туманида изчил давом этмоқда. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зулпихар Жўлдасов туманга хизмат ташрифи билан бориб, амалга оширилаётган экологик ва тозалик тадбирлари билан яқиндан танишди. Ушбу тадбирда 130 нафардан зиёд аҳоли иштирок этиб, 2та махсус техника жалб қилинди. 6,5 қақирим ўзан соҳили, 12 қақирим туман аҳамиятига молик йўллар тозаланди. Натижада, 7 тонна чиқинди чиқарилди.

– Тўлебий тумани – табиати гўзал, экологик салоҳияти юксак ҳудуд. Ушбу масканинг тозаллиги нафақат маҳаллий аҳолининг, балки бутун вилоят фуқароларининг умумий бурчидир. Шу боис, бугунги ташаббус – ҳар бир фуқаронинг табиатга жонқуярлиги, ватан-

»»» Брифинг

ТАРАҚҚИЁТГА ЮЗ БУРГАН ШАҲАР



Туркистон шаҳри ҳокими Азимбек Пазилбекули жорий йилнинг январь-май ойларида шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан махсус матбуот анжумани ўтказди.

Унда дастлаб оқова тизимини ривожлантириш масаласи атрофлича муҳокама қилинди. Шаҳар ҳокими инфратузилмани яхшилаш билан боғлиқ қатор долзарб масалаларни қайд этди.

Туркистон шаҳрида 2020-2025 йилларда оқова тизимини ривожлантириш борасида кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда умумий узунлиги 263,3 қақиримдан иборат оқова тизимини ётқизиш ишлари олиб борилмоқда. Бу ишлар қаторига нафақат шаҳардаги магистрал тармоқлар, балки ички кўчалар ҳам киради. Лойиҳа доирасида шаҳардаги муҳандислик инфратузимасини тўлиқ қамраб олиш мақсадида қатор қурилиш иншоотларини барпо этиш режалаштирилган. Жумладан, 5та оқова сувни тозалаш иншооти, 21та оқова сув насос станцияси ва 4та оқимни назорат қилувчи қудуқ қурилиши кўзда тутилган. Мазкур иншоотларнинг фойдаланишга топширилиши оқова қувватини ошириш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш имконини беради.

Туркистон шаҳрида бугунги кунда 27та оқова тизим мавжуд. Уларнинг 7таси 1980 йилда, учтаси 2010 йил, 17таси 2014 йилда фойдаланишга берилган.

Амалдаги оқова қувурларининг узунлиги 401,6 қақиримни ташкил этади. Бу тизимларга 17 581 абонент уланган.

Шаҳарликларни тўлиқ оқова тизими билан таъминлаш мақсадида ҳозирги кунда 13та иншоотнинг қурилиши олиб борилмоқда. Шу жумладан, 7та иншоот йил сўнгига қадар фойдаланишга топширилади. Бугунда оқова тизимининг қурилиши якунланган 159та кўчада асфальтлаш ишлари олиб борилмоқда. Умумий узунлиги 44,6 қақирим бўлган 41та кўчада ўртача таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 2024 йилда 47,1 қақирим автомобиль йўллари таъмирланиб, қониқарли йўллар улуши 50,3 фоизга етди. Бу борадаги ишлар натижасида 2025 йил охиригача кўрсаткичи 66,7 фоизга етказиш режалаштирилган.

– Умуман олганда, шаҳарда инфратузилма соҳасида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Шаҳарни оқова тизими билан таъминлаш даражаси – 36,5 фоиз, ичимли сув билан таъминлаш даражаси – 100 фоизни ташкил этмоқда. Электр таъминоти – 99,5 фоиз. Табиий газ таъминоти эса 98 фоиз даражасида. Ушбу кўрсаткичларни яхшилаш мақсадида қатор кенг қўлмали тадбирлар амалга оширилмоқда, – деди шаҳар ҳокими.

Йил бошидан буён шаҳар ялпи минтақавий маҳсулоти 159,5 млрд. тенгени ташкил этиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад кўрсаткичи 663,5 минг тенгеге етди. Саноат соҳасида 40 миллиард тенгелик маҳсулот ишлаб чиқарилди, жумладан, қайта ишлаш саноатида – 25 млрд. тенге, қурилиш ишлари ҳажми – 299,3 млрд. тенге, фойдаланишга топширилган уй-жой майдони – 434,6 минг квадрат метрни ташкил этди. Савдо айланмаси 157,9 млрд. тенгеге етди, асосий капиталга йўналтирилган сармоялар ҳажми эса 490 млрд. тенгеге етди.

Шунингдек, шаҳардаги махсус иқтисодий минтақада 9та лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 2956та янги иш ўрни яратилади. Шунингдек, саноат соҳасида 23та лойиҳа амалга оширилиб, 961 киши иш билан таъминланади. Белгиланган лойиҳалар доирасида хорижий ва маҳаллий сармоядорлар иштирокида йирик корхоналар барпо этилади.

2025 йилнинг дастлабки беш ойида Туркистонга 1,1 миллион сайёҳ ташриф буюрди. Сайёҳлик соҳасига жалб қилинган сармоялар ҳажми 61,9 миллиард тенгеге етди. Шаҳарда “Хунармандлар шаҳарчаси”, “Қултўбе шаҳарчаси” каби сайёҳлик иншоотлари, аквапаркли меҳмонхона мажмуаси барпо этилмоқда. Шунингдек, 2025 йилда 12та янги мактаб фойдаланишга топширилади, 4та мактабда тубдан таъмирлаш, 7та мактабда жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, хусусий сармоя ҳисобидан 27 минг аҳолига хизмат кўрсатадиган шифохона ва реабилитация маркази қурилиши жадал суръатларда юритилмоқда.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

ТУРКИСТОН – ИСТИҚБОЛЛИ МИНТАҚА

Хитойнинг Qingdao Wanlin Food компанияси Туркистон вилоятида сабзавотни чуқур қайта ишлашга маблағ ажратиб, Қозоғистон бозорига кириб келмоқда.

Қозоғистон ва Хитой ўртасидаги жадал ривожланаётган муносабатлар, шунингдек, Қозоғистондаги қулай сармоявий муҳит шароитида компания сабзавотни чуқур қайта ишлаш соҳасига сармоя киритиш бўйича стратегик қарор қабул қилди. Бозор чуқур таҳлил қилиниб, турли минтақалар имкониятлари баҳолангач, танлов Туркистон вилоятига тўғри келди.

Ғани ҚАРАБЕКОВ, “Ауыл” партияси Шимкент шаҳри филиали раҳбари.



Матбуот - халқ билан ҳамнафас, Эл дардига малҳам ҳар нафас



АХБОРОТ МАЙДОНИДА - ҲАҚҚОНИЙЛИК ВА ХОЛИСЛИК ТАМОЙИЛИ

28 июнь – мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ходимлари куни сифатида кенг нишонланади. Бу кунда босма ва электрон нашрлар, радио ва телевидение, интернет медиа, ижтимоий тармоқ фаоллари ҳамда блогерлар ўз касб байрамларини нишонлайдилар.

Юртимизда жамият ва давлат ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётган бугунги мураккаб шароитда соҳа ходимларининг масъулияти янада юксалади.

Шу жиҳатдан, жамиятимизнинг ҳақиқий ойнасига айланган оммавий ахборот воситаларининг вакиллари – матбуот ва медиа соҳаси ходимларига аҳолимизга тезкор, аниқ ва холис ахборот етказиб бериш, юртимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни ёритишдаги самарали фаолиятларига муваффақиятлар тилайман.

Айни пайтда, барчамиз ёдда тутишимиз керак бўлган муҳим жиҳат шундаки, ахборот майдонидаги ҳар қандай баҳс ва мунозара, матбуот фаолияти ҳамиша ҳаққонийлик, холислик ва масъулият тамойиллари асосида олиб борилиши шарт. Оммавий ахборот воситалари фаолияти қонунчилик ва ахло-



Фахриддин ҚОРАТОВЕВ,
Қозоғистон Республикаси
Парламентининг
VI ва VII чақириқ депутаты,
жамоат арбоби.

қий меъёрлар асосида шаклланиши, уни шахсий манфаат, ғараз ёки сохта обрў орттириш воситасига айлантиришга йўл қўйилмаслиги зарур.

Ҳурматли қаламқашлар, ахборот соҳасида фаолият юритаётган барча ҳамкасбларимизни касб байрами билан самимий табриклайман. Маънавият ва масъулиятли меҳнатингизда улкан ютуқлар, эзгу мақсадларингизга эришишингизга тилакдошман.

ДЎСТЛИК – БИРИКТИРУВЧИ КУЧ, ОБУНА – МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖ



Юртимизда ахборот майдони тобора кенгайиб, аҳоли орасида китоб ва газета ўқиш маданиятини янада мустаҳкамлаш борасида қатор амалий ишлар қилинмоқда. Ана шундай эзгу мақсадларнинг ёрқин намуналаридан бири сифатида “Жанубий Қозоғистон” газетасининг обуна мавсуми доирасидаги саъй-ҳаракатларини эътироф этиш мумкин.

Бир неча йил муқаддам ушбу газета ташаббуси билан ўтказилган “Мендан 20 донга газета” маънавий тадбири кенг жамоатчилик, зиёлилар ва фаол фуқаролар томонидан қизгин қўллаб-қувватланди. Бу эса халқимизнинг маънавий дунёқараши, ахборотга бўлган эҳтиёжи қанчалик юқори эканини яна бир бор намоён этди.

Дарҳақиқат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик халқимизнинг азалий фазилатларидан ҳисобланади. Аждодларимизнинг ҳаётий фалсафасида дўстлик нафақат инсонлар ўртасидаги самимий муносабат, балки жамиятнинг бирдамлиги ва тараққиёти учун асосий омил сифатида баҳоланади. Ҳақли равишда таъкид-

лаш жоизки, ҳақиқий дўст яхши кунда қувончингизни, мушкул пайтда ғамингизни баҳам кўради, руҳий ва маънавий кўмак кўрсатади.

Юртимизда ўзбек тилида нашр этилаётган “Жанубий Қозоғистон” газетасига келгуси йили 35 йил тўлади. Қозоғистон мустақиллиги билан тенгдош ушбу нашр орқали минглаб юртдошларимиз Ватанга муҳаббат, миллатга садоқат, маънавият ва маърифат руҳида тарбияланиб келмоқда.

Ҳаққоний ва холис ахборотга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бораётган бугунги кунда газетанинг аҳамияти ва таъсири янада сезиларлидир. Шу боисдан ҳам обуна мавсумида фоллилик кўрсатиш, “Жанубий Қозоғистон” каби маънавий суянч бўлган нашрни қўллаб-қувватлаш – ҳар бир юртдошимизнинг маънавий бурчига айланмоғи зарур.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳақиқий дўст огир кунда ҳам дўстини ёлғиз қолдирмайди. Хусусан, имконияти чекланган, кам таъминланган оилаларни обуна қилиш орқали уларни ҳам ахборот ва маънавият манбаларига ошно этиш – бу эзгу ва савобли ишдир.

“Жанубий Қозоғистон”нинг содиқ муштарийлари сафида чин қалбдан ана шундай ташаббус кўрсатиб келаётган юртдошларимизнинг мавжудлиги – юксак эҳтиромга сазовор.

Чунки сеvimли газета – жамиятимизнинг маънавий ойнаси, халқимиз учун ахборот ва маърифат манбаидир.

Касбий байрамингиз муборак, азиз ахборот соҳаси ходимлари!

Бахтиёр ИСАБЕК.



28 июнь – Оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан Туркистон олий кўп соҳали хунармандчилик коллежида вилоят журналистлари ўртасида спартакиада ўтди.

АНЪАНАВИЙ СПАРТАКИАДА ЎТДИ



Мусобақа Туркистон вилоят Ижтимоий тараққиёт ва Жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, ҚР Журналистлар уюшмасы Туркистон вилоят филиали ташкилотчилигида уюштирилди.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан оммавий спортни тарғиб қилиш, журналистлар орасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни қучайтириш мақсадида ўтган мусобақада Туркистон вилояти ва Шимкент шаҳридан 8та жамоа қатнашди.

Спартакиадада кичик футбол, волейбол, стол тенниси ва арқон тортиш мусобақалари уюштирилди. Анъанавий спорт мусобақаларида фаол қатнашиб, мунтазам совриндорлар сафидан жой эгаллаб келаётган “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси жамоаси жорий йилги мусобақада ҳам муваффақиятли иштирок этди. Арқон тортиш ва волейбол беллашувларида совриндорлар сафидан жой эгаллаш учун жамоага омад етишмади.



Стол теннисидан хотин-қизлар орасида ўтган мусобақада “Жанубий Қозоғистон” газетаси муҳбири Малика Элтоева фахрли учинчи ўринни қўлга киритди. Унга фахрий ёрлиқ ва 50 минг тенгелик сертификат топширилди.

Спартакиада якунига кўра, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга “Матбуот котиблари” жамоаси сазовор бўлди. Иккинчи ўрин “Туркистон TV”, учинчи ўрин эса “Туран БАҚ” жамоасига насиб этди.

Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.

Мукофотлар муборак!

28 июнь – ОАВ ходимлари куни арафасида тахририятнинг илғор ва муносиб ходимларига мукофотлар топширилди

“Қозоғистонда маданият, спорт, туризм ва ахборот ходимлари касаба уюшмасы” жамоат бирлашмасы Туркистон вилоят бўлими раиси Асилхан Темирхан тахририятимизга махсус ташриф буюриб, самарали фаолият олиб бораётган бир гуруҳ ходимларни кўрак нишонлари ва ташаккурномалар билан тақдирлади.

Минтақамизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий

тараққиётига қўшган муносиб ҳиссалари учун тахририятимизнинг бош ҳисобчиси Айша Бейсебаева “Кәсіподақ ардагері”, Хуршид Қўчқоров “Еңбек даңқы” кўрак нишонлари билан тақдирланди. Ҳамкасбларимиз Ҳилолиддин Болабеков, Собиржон Исаметов ва Малика Элтоеваларга эса ташаккурномалар топширилди.

Мукофотларингиз муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар! Меҳнатингиз доим қадрлансин!

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.



»» Табрик ўрнида

Мухбирлар

**Одам кўкка учди, қучди уммонни.
Етди поёнига кураш, ур-сурлар.
Гиж-гижлатиб кўйиб телба жаҳонни,
Бу кун минбарларга чиқди мухбирлар.**

**Азиз касбдошларим, ғалат қавм бу,
Жонининг қадрини билмайдиган кас.
Қайдадир кўринса йилт этган мавзу,
Оч-наҳор, пиёда кета берар, бас.
Тўплар гумбурлайди, ўрлайди олов.
Юксак қасрлар ҳам қулайди бир-бир.
Буткул мамлакатлар ёнади лов-лов,
У эса тирикдир, ўқ ўтмас, доводир.
Гарчи кўринишдан юввош ва ғариб,
Лекин таҳликага солар ҳар сўзи.
Шаҳардан ҳаммани қуелаб чиқариб,
Бўм-бўш кўчаларда кезар бир ўзи.**

**Ягона қуроли – қоғоз ва қалам,
Йилар у на бугун, на эртасини.
Ҳақиқат йўлида сўнги дамда ҳам
Улар, эсга олиб газетасини.**

Абдулла ОРИПОВ.

Ўз элимнинг журналистлари

**Уйғоқ қалблар эгаси улар,
Эртамининг дарғаси улар.
Ўз касбининг устаси улар,
Ўз юртимнинг журналистлари!**

**Турар доим олдинги сафда,
Етмай қолар тўлиқ бир ҳафта.
Дўст-ёрин тутарлар қафда,
Ўз элимнинг журналистлари!**

**Иши битса, ҳаммадан бахтли,
Бордир унинг олтиндан тахти.
Аскардайин шижоат, шаҳди,
Минтақанинг журналистлари!
Керак дамда ҳақ сўзни айтган,
Ёмонлигу, ҳасаддан қайтган.
Қотган нонин таъмини тотган.
Ўз юртимнинг журналистлари!**

**Бордир унинг темирдан тиши,
Ёмонларга аталган ниши.
Ишга солмас дўсту танишин,
Ўз элимнинг журналистлари!
Яшайди ўз дунёларида,
Хукмрон сўз дунёларида.
Йироқ ҳаёт рўёларидан,
Ўз юртимнинг журналистлари!**

**Тантана-ю тўйлар бегона,
“Ўзим” деган ўйлар бегона.
Гоҳи шоир, гоҳи девона,
Ўз юртимнинг журналистлари!
Юрагимиз тўрида сизлар,
Қалбимиз кўрида сизлар.
Кўзимиз нурида сизлар,
Ўз элимнинг журналистлари!**

Эркиной ҚАРШИЕВА.

»» Заковатли миллат

Юсуф Сарёмий номидаги 107-мактаб-лицейида йил мобайнида 7-синф ўқувчилари ўртасида “Интеллект” мусобақалари уюштирилди.

Мусобақадан кўзланган асосий мақсад – ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, сўз бойлигини ошириш, нотиклик маҳоратини шакллантириш, фанларга қизиқишини янада кучайтириш ҳамда уларнинг заковатини юксалтиришдан иборат эди.

Йил давомида 7-синф ўқувчилари ўзаро мусобақалашиб, турли босқичларда ўз билим ва иқтидорларини намойён этишди.

Мусобақа низоми мактаб директори Нодирхон Имомсидиков ҳамда тарбия ишлари бўйича директор муовини Раиса Назирова томонидан тасдиқланган. Ташкилотчилик тадбирлари қўшимча таълим ўқитувчиси Зулхумор Мирқосимова ҳамда мусобақани ўтказишга масъул Гулноза Тўламетова томонидан амалга оширилди.

Йил якунига кўра, юқори натижани

қайд этган 7-“Б” синф ўқувчилари фахрли 1-ўринни кўлга киритишди.

Бу каби мусобақалар мактаб ўқувчиларида билимга иштиёқ, ўзига ишонч ва кучли фикрлаш қобилиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Гулноза ТЎЛАМЕТОВА,
қозоқ тили ва адабиёти муаллимаси.

ҚЎШБУЛОҚЛИК ЎҚУВЧИЛАР – ЧЕМПИОН!



Сайрам туманининг Қўшбулоқ қишлоғида (Кўлкент қишлоқ округи) жойлашган Қ. Сатбаев номли мактаб ўқувчилари Шаҳзода Аҳмадалиева ва Ноила Холниёзова (мураббийи Шохрух Абдазимов) стол теннисидан Қозоғистон Республикаси чемпионатида ёшлар ўртасида жуфтлик йўналишида ғолиб чиқиб, Қозоғистон Республикаси спорт устаси унвонига сазовор бўлишди.

Бу ютуқ, албатта, тасодиф эмас, балки кўп йиллик самарали меҳнатнинг меваларидир. Мураббийнинг машғулотлардаги талабчанлиги, спортчиларга ишончи ва меҳри бугун ана шундай улкан натижаларда ўз аксини топмоқда. Албатта, бундай муваффақиятларда ота-оналарнинг ҳиссаси ҳам бекиёс.

Шаҳзоданинг отаси – Озод Аҳмадалиев, Ноиланинг отаси – Ихтиёр Бобоевларни ҳам бу шарафли ютуқ билан самимий муборакбод этамиз. Чунки соғлом ва тарбияли фарзанд интизом ва оила муҳити самарасидир.

Сатбаев номли мактаб тарихида илк бор мана шундай юксак спорт унвонига сазовор бўлган ўқувчилар етишиб чиқди. Мактаб директори Абдирахим Отахоновнинг таълим ва тарбияга бўлган жиддий ёндашуви ҳам бу ютуқда муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда мактаб спортчилари нафақат туман, балки республика миқёсида ҳам назарга тушмоқда. Уларнинг ютуқлари ёш авлод учун намуна сифатида хизмат қилади.

3. МҲМНЖОНОВ.



Бугунги кунда мамлакатимизда инсон қадри ва саломатлигини асраш, ҳар бир фуқаронинг ҳаётига масъулият билан ёндашиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Айниқса, тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётган, халқ саломатлиги учун ўз билим ва тажрибасини аямай келаётган фидойи шифокорларимиз мамлакатимиз фахри ҳисобланади.

Шу юксак эъзозга сазовор инсонлар қаторида юртимизда, хусусан, Туркистон вилоятида яхши танилган, ўз касбига садоқати, фидокорона меҳнати билан эл-юртимиз сазовор бўлган шифокор, олий тоифали болалар асаб касалликлари мутахассиси Элмира Маҳмуджон қизи Болтабоева ҳам бор.

Қаҳрамонимиз 1965 йили Шимкент шаҳрида, зиёлилар Маҳмуджон ота ҳамда Ирисбуви ая Эшматовлар хонадонида таваллуд топган. 1982 йили А. Навоий номидаги ўрта мактабни тамомлади, лекин қанча тайёргарлик кўрса-да, дастлабки уринишларида орзу қилган олий ўқув юртига кира олмади. Бироқ бир йил вақтини бекор ўтказмади, падари бузруквори – “Қазақтелеком” ХЖДа шаҳар радиотрансляция тармоғининг бошқарувчиси Маҳмуджон Эшматов раҳбарлигида операторлик касбини ўрганди. 1983 йили Ўрта Осиё педиатрия тиббиёт институтига ўқишга кирди. 1989 йили уни “Қизил диплом” билан муваффақиятли тамомлаб, Шимкент шаҳридаги вилоят болалар касалхонасига ишга жойлашди. Таниқли ва донгдор асаб хасталиклари шифокори Раҳимжон Юнусов раҳбарлигида интернатурадан ўтди.

– Ният пок бўлса, орзу-мақсадлар, албатта, рўёбга чиқади. Болалигимдан орзу қилган касбинини эгаси бўлиш насиб этди, боз устига юртимиздаги тажрибали болалар асаб хасталикла-

ри шифокори – Раҳимжон Ҳошим ўғлининг шогирди бўлиш бахти ҳам насиб этди, – дейди суҳбатда Элмира Маҳмуджон қизи. – Малакали, иқтидорли шифокорнинг кўрсатмалари, устозимнинг дуолари билан фаолиятимни бошлаб юбордим. 60 йилдан зиёд тажрибага эга устозим қарийб 90 ёш остонасида ҳам беморларнинг соғлигини тиклашда ўз куч-ғайратини аямай келаётганидан, ҳамон меҳнат қилиб, биз шогирдларига устозлик қилмоқда.

1990 йили Элмира Маҳмуджон қизи Зайниддин Болтабоев билан турмуш қурди. Раҳматли падари бузрукворининг таърифи билан айтганда “унча-мунча эркаклар уддалай олмайдиган масъулият юкини кўтарган аёл” жамиятда ҳамда ҳамкасблари орасида эъзоз топган, Улуғбек номли 3-мактабда меҳнат фандан устозлик қилган ҳамда 30 ёшида бева қолиб, 4 нафар фарзандни оқ қовиб, оқ тараб, ҳаммасини олий маълумотли, оилали қилган Холбуви Болтабоева хонадонига келин бўлиб борди.

Тақдирни қарангки, савдо соҳасида меҳнат қилган, тикувчилик билан шугулланган волидаи муҳтарамаси Ирисбуви ая тикувчилик касбини бўлажак кудаси Холбуви опадан ўргатган экан. Қисмат, меҳнат, фидойилик, самимият, инсоний қадриятлар хонадонларни, авлодларни бирлаштирди. Умр йўлдоши Зайниддин ака ҳам

ИНСОН МЕҲНАТИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ



фармацевтика соҳасида таълим олиб, ушбу соҳани улуглаб келмоқда. Фарзандлари – Диёржон молиячи, қизи Таҳмина ҳам фармацевтика соҳасида фаолият юритмоқда. Келини Шаҳзода логопед, куёви Равшанбек тадбиркорлик қилиб, халқ қорига камарбасталик қилишмоқда. Таниқли тадбиркор, алоқа соҳасининг илгори, меҳрибон падари бузруквори Маҳмуджон отанинг вафотидан сўнг, уч синигла меҳрибон ака – таниқли ишбилармон, 49-сонли Механизациялашган колонна раҳбари, саховатпеша қалб соҳиби Раҳимжон Эшматов сулоланинг каттаси, улуги сифатида суянчик, руҳий ва маънавий маслакдош. Суҳбат асосида эзгу ишлари билан танилган тадбиркорнинг “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасига йиллар мобайнида жамоатчи обуначи сифатида хайрия обунасини уюштиришни қанда қилмаётганини айтганимизда, шифокор “акамнинг савобли ишларидан хабар топиб, доим хурсанд бўламиз. Яратган соғлиқ бериб, бу эзгу ишларда бардавом бўлиш бахтини насиб қилсин”, деди.

Шифокор қарийб 40 йиллик меҳнат фаолияти давомида нафақат болалар асаб касалликлари шифокори, балки ёш

мутахассислар учун тажрибали устоз сифатида ҳам катта обрў-эътибор қозongan.

– Шифокор ҳузурига айни кунларда оналар қандай шифокорлар билан келишапти?

– Бугунги кунда болаларда туғма нотинчлик, гиперфаоллик каби ҳолатлар кўпайган. Бу эса келинчи навбатда, оналар дуч келаётган стресс ҳолатлари билан боғлиқ. Афсуски, айрим оилаларда янги келиндан кутилган ортиқча қўламалар, руҳий босим ва масъулият унинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис, ҳар бир оила аъзоси келинга ёрдам бериш, унинг ҳомилдорлик давридаги ҳолатига эътибор қаратиш, уни қўллаб-қувватлашни ҳаётий зарурат сифатида қабул қилиши лозим. Ҳозирги кунда зиммасидаги ва-мий-сиёсий газетасига йиллар мобайнида жамоатчи обуначи сифатида хайрия обунасини уюштиришни қанда қилмаётганини айтганимизда, шифокор “акамнинг савобли ишларидан хабар топиб, доим хурсанд бўламиз. Яратган соғлиқ бериб, бу эзгу ишларда бардавом бўлиш бахтини насиб қилсин”, деди.

Шифокор қарийб 40 йиллик меҳнат фаолияти давомида нафақат болалар асаб касалликлари шифокори, балки ёш

ри, бизнинг қабулимизга ҳар кун 3-4 нафар ҳозирги алоҳида болалар тоифасига кирадиган аутизм хасталигига чалинган болаларни олиб келишади. Улар 4 ёшга қадар назоратимизда бўлишади. Ҳозир бу хасталик анча кўпайган. Болалар ўртасида бош оғриғининг кучайиш ҳолати, ҳаттоки томир тортиши ҳолатлари кўпайган. Бунинг сабаблари турлича. Жароҳат олиш, дармондориларнинг етишмаслиги, қолаверса, ирсиятдан ҳам келиб чиқиши мумкин. Ҳар бир даврнинг ўз хасталиклари бўлганидек, ҳозирги авлод чалинаётган хасталиклар шулардан иборат.

Иш тажрибамда бир қис бизда даволанган эди. Унинг шикоят қилишича, тиззаси букилмас экан. Ўсмир ёшдаги қизни даволайман деб она не-не шифокорларга олиб бормади, дейсиз. Вилоят касалхонасининг қатор бўлимларида да-воляниб чиқди. Кейин аниқла-нишмича, ўсмир қиз оқсининг, оила аъзоларининг эътиборига муҳтож бўлган экан. Унинг фикрича, “агар мен хасталансам, онам менга эътибор беради, менга меҳр кўрсатади”, деб ўй-ланган. Ва ўйлаб топилган, ҳасталик туфайли ҳақиқатан ҳам она фарзандига меҳр берган ва унинг соғлиги учун вақтини ҳам ажратган. Ўтиш даврини

бошидан ўтказаяётган ўсмирларга ҳам осон эмас, она ҳаётида фарзандлари муҳимлигини доим англатиб бориши керак. Энг аввало, фарзандларимизга мурувват кўрсатайлик, улар ҳаётимиздаги энг азиз дилбандларимиз эканлигини билсинлар ва уни ҳис этиб яша-синлар.

Инсон қадри ва меҳнати улуг. Фаолияти давомида Элмира Болтабоева минглаб беморларни дарддан фориғ этди. Ҳар бир боланинг соғайиб, соғлом турмуш тарзига қайтиши, унинг ғайратига ғайрат қўшади. Ҳатто меҳнат таътили пайтида ҳам беморлар унинг хонадонига келиб, маслаҳат сўрашади. Бу эса шифокорнинг касбига садоқати ва ҳамюртларимизнинг унга билдирган ишончи самарасидир.

Элмира Болтабоева шубҳасиз, бугунги кунда наинки тажрибали шифокор, балки ёш мутахассисларга устоз сифатида ҳам катта мактаб яратган фидойи инсондир.

Саломатлик – бебаҳо бойлигимиз. Ҳар бир оила ва жамият фарзандларимизнинг соғлом, баркамол бўлиб улғайиши учун масъулдир.

Мунира
ЖАМОЛИДДИН ҚИЗИ.

Ҳар қандай давлатнинг барқарорлиги ва тараққиёти, аввало, унинг ички сиёсий муҳити билан белгиланади. Қозоғистон ўзининг тинчликпарвар сиёсати орқали бутун дунёга шуни амалда исботлаб бердики, турли миллат ва элат вакиллари ягона оиладек яшаётган жамиятда миллатлараро келишмовчилик ва низоларга ўрин йўқ. Ўзаро ҳурмат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик руҳида барпо этилган бундай ижтимоий муҳит барқарор тараққиётнинг гаровидир.

Бугун мамлакатимиз ҳудудида 130дан зиёд миллат вакиллари истиқомат қилади. Республикамизда 621та этномаданият бирлашмиси фаолият юритмоқда, 46 миллат ўз этномаданият бирлашмаларига эга.



АССАМБЛЕЯ



Шу қаторда, Қозоғистон Республикасидаги уйғурлар ҳам турли миллат вакиллари сафида тинч-тотув яшаб, меҳнат қилмоқда. Қозоғистонда аҳоли сони бўйича уйғурлар бешинчи ўринни эгаллайди ва мамлакатнинг барча ҳудудларида истиқомат қилади. Бугунги кунда Қозоғистондаги 40дан ортиқ фан доктори, 200дан зиёд фан номзоди, 6 нафар Қозоғистон халқ артисти, 15 нафар республикада хизмат кўрсатган маданият арбоби уйғур миллати вакилларида иборат. Шунингдек,

раҳбари Абдулхалил Толқунтай, Журналистика академияси академиги Йўлдош Азаматов, Қуддус Хўжамёров номидаги Республика уйғур мусиқали комедия театри директори Дилмурод Бахоров ва бошқалар шулар жумласидандир.

ҚОЗОҒИСТОН – УМУМҲҲ ВАТАНИМИЗ

– Халқимиз Қозоғистон ҳудудига кўчиб келган биринчи миллатлардан бири ҳисобланади. Кенг ва саховатли қозоқ юрти 130дан зиёд миллат ва элат учун шунчаки яшаш жойи эмас, балки ҳақиқий Она Ватанга айланди. Бу юрт бизга паноҳ, меҳр ва Қозоғистонни ўз уйимиз деб аташ ҳуқуқини берди, – дейди Саригоч туманидаги «Умид» уйғур этномаданият бирлашмаси раҳбари Дилшод Кенжаев. – Ростини айтсам, Қозоғистонни «иккинчи Ватан» дейишга тилим бормаиди. Чунки бизнинг оиламизнинг бир неча авлоди мана шу файзли заминда яшаб келмоқда. Ҳатто ота-боболаримиздан ким бу ерга илк бўлиб келганини ҳам эслай олмаймиз.

Қозоқ халқи ҳақида меҳмондўстликка оид ривоятлар, афсоналар жуда кўп. Азалдан қозоқлар

ва маданиятини асраш ва ривожлантиришди. Қозоғистон мустақилликка эришган 34 йил ичида уйғур ЭМБлари ташаббуси ва жамоатчилик кўмағида юртимизда халқ шоирлари, 19-20 асрнинг таниқли арбоблари Б. Нозим ва Х. Ҳамроев каби адибларга ёдгорлик ўрнатилди. Улар номида уйғур тилида таълим бериладиган мактаблар фаолият юритмоқда.

– Айниқса, ёш авлодга она тилида таълим олиш имконияти яратиб берилиши нихоятда муҳим аҳамиятга эга, – дейди Шимкент шаҳри уйғур ЭМБ раҳбари Динмуҳаммад Искандеров. – Бу жуда тўғри сиёсат. Чунки аجدодларимиз айтганидек, киши ўз тили, маданияти ва тарихини билиб, уни қадрласагина бошқаларнинг маданияти ва тилини ҳам ҳурмат қилади. Бу эса кўп миллатли жамиятимизда доим муҳим ва долзарб бўлиб қолади.

Қозоғистонда уйғур болалари нафақат она тилида таълим олиши, балки олий маълумот ҳам олиши мумкин. Масалан, Абай номидаги Қозоғистон Миллий педагогика университетида уйғур тилида таълим берадиган факультетлар мавжуд. Бу ерда талабалар бакалавр, магистр ва докторлик даражаларини олиш имкониятига эга.

тида, миллатидан қатъиназар, тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга эканимизнинг амалдаги исботидир. Албатта, бу ҳуқуқлар билан бирга, ҳар биримизнинг Ватан олдидаги бурчимиз ҳам йўқ эмас. Шу боис, биз барча миллат ва элатлар, аждодларимиз келиб жойлашган пайтдаёқ ўз бурчини англаб етганини алоҳида таъкидлаш лозим.

МИЛЛАТ МАЪНАВИЯТИНИ БОЙИТГАН УСТОЗЛАР

Қозоғистондаги юртдош уйғур жамоасида илм-фан, санъат ва адабиёт соҳаларида ўз номини қолдирган машҳур шахслар мавжуд. Улар орасида олимлар – Мурат Ҳамроев ва Хўжааҳмад Саидваққосов, мусиқа санъати усталари – Қуддус Хўжамёров ҳамда Газиз Дугашев, шунингдек, уйғур адабиёти классиклари – Зиё Самадий, Хизмат Абдуллин, Жамолидин Бусақов каби таниқли шахслар алоҳида эътирофга лойиқ.

Улар ўз ижодлари орқали миллатнинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказишда муҳим ўрин тутадилар. Асарлари миллий ўзликини англаш, та-

лиги каби соҳалар ҳам тараққий этган.

Хотин-қизлар орасида ип йиғириш, ипак тайёрлаш каби уй шароитидаги ишларнинг аҳамияти залворли бўлган. Бу борада асосан чарх деб аталувчи анъанавий ип йиғириш қурилмасидан фойдаланилган. Бундай ускуналар Ўзбекистон ва Шарқий Туркистон ҳудудларида ҳам кенг тарқалган.

Хотин-қизлар ўз қўллари билан кўрпа, парда, кийим-кечакларга нафис гуллар ва нақшлар туширишган.

МИЛЛИЙ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ВА АНЪАНАВИЙ ҲАЁТ ТАРЗИ

Туркистон вилоятида истиқомат қилувчи ҳар бир уйғур оиласи учун гул экиш урф-одатга айланган. Улар боғлар ва ҳовлиларда атиргул, лолалар, гулсафсар, нилуфар, қўқонгул, райхон каби турфа гулларни парвариш қилишади.

Уйда иситиш тизимида супа катта аҳамиятга эга. Унинг ичидаги махсус канал орқали печдаги иссиқлик хонага тарқалади ва бутун уй бир маромда исийди. Ҳар бир уйда анъанавий услубда қурил-

Қозоғистон уйғурлари – ягона оилада



икки университет ректори ҳам уйғур.

Кўп миллатли Қозоғистон санъатини ривожлантиришда Республика уйғур театри муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизда ёзувчилар М. Зулфиконов, А. Аширов, Ш. Шаваев кабиларнинг номлари кенг танилган. Шунингдек, санъат арбоблари – Аҳмет Ахат, Ашимжан Қурбонов, Азат Акимбек каби rassomлар ҳам ўз хиссаларини қўшиб келмоқда.

Мамлакатимизда уйғур тилида таълим берадиган 63та мактаб, уйғур тилида эшиттирув ва кўрсатувлар намойиш этадиган радио ва телевидение, 15 мингдан зиёд нусхада чоп этиладиган республика газетаси – «Уйғур аваз» фаолият юритмоқда.

– Бугун Қозоғистон уйғурлари мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этиб, деярли барча соҳаларда меҳнат қилмоқда. Улар ўзларини ҳеч нарсада камситилган деб ҳисобламайдилар, – дейди «Уйғур аваз» газетаси бош муҳаррири Ершат Асметов. – Айниқса, Қозоғистон уйғурларининг фуқаролик нукта-назари Президент сايловлари ва Конституцияга ўзгаришлар киритиш бўйича ўтказилган референдум пайтида яққол намоён бўлди.

Кўп азият чеккан уйғур халқига хос хислатлар – очикўнгиллик, меҳмондўстлик, бағрикенглик ва меҳнатсеварликдир. Қозоғистон уйғурлари ўз Ватани – Қозоғистон Республикаси билан фахрланадилар. Буни исталган уйғур оиласига таъриф буюрган ҳар қандай одам хис этиши мумкин. Уйғурлар билан қозоқлар ўртасида кўплаб қариндошлик ва оилавий алоқалар мавжуд. Бизнинг эътиқодимиз бир, тилларимиз ҳам туркий илдиздан. Қозоғистон – умумий уйимиз, унинг тинчлиги ва тотувлиги учун барчамиз масъулмиз.

Минглаб уйғурлар Қозоғистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, миллий маданият, урф-одат ва анъаналарни тиклаш ва сақлашда жонбозлик кўрсатмоқда. Республика уйғур этномаданият бирлашмаси

ҳатто танимаган одамни ҳам очик чеҳра билан қарши олиб, унга юксак ҳурмат-эътибор кўрсатган. Шу боис ҳам қозоқ халқи бу ерда тақдир тақозоси билан яшашга мажбур бўлган миллатларни оғир дамларда ёлғиз қолдирмаган, уларга янги жойда яшаш ва ишлаш имкониятини яратиб берган.

Бугунги кун Қозоғистонида эса барча миллат ва элатларнинг миллий кадриятлари, маданияти, тили ва урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш учун давлат томонидан кенг имкониятлар яратилган. Ҳар бир миллат вакили ўз тарихи, урф-одатлари ва она тилини ўрганиши, миллий маданиятини ривожлантириши мумкин.

Бизнинг уйғур ЭМБнинг асосий вазифаси ҳам айнан шу – халқимизнинг тарихи, урф-одатлари, анъаналари

Айниқса, Қозоғистондаги «Болашақ» давлат дастури орқали исталган миллат вакили дунёдаги энг нуфузли олий ўқув юртиларида – Кембриж, Оксфорд ёки Москва университетларида тахсил олиш имкониятига эга. Бу каби имкониятларни бошқа давлатларда топиш қийин.

Шунингдек, уйғур маданияти, тарихи, тили ва адабиётини ўрганиш бўйича муҳим тадбирлар ўтказилмоқда. Яқинда Р. Сулейменов номидаги Шарқшунослик институти ва АҚШнинг Қозоғистондаги элчихонаси ҳамкорлигида «Қозоғистонда уйғуршунослик: анъана ва янги ёндашувлар» мавзусида халқаро анжуман ўтди.

Юқорида айтилганлар шунчаки гап эмас, бу биз Қозоғистон Республикасининг тўлақонли фуқаролари сифа-

рих ва маданиятни англатишда илғор тарғибот воситасига айланган.

Шунингдек, Қозоғистон давлатининг кўп миллатли жамиятда тотувлик ва барқарорлиқни асосий тараққиёт омил сифатида қўллаб-қувватлаётгани таъкидланади.

Қозоғистонда истиқомат қилувчи уйғурларнинг анъанавий ҳаёт тарзига келсак, Фарғона уйғурлари кўпроқ ўзбеклар билан маданий яқинлашган бўлса, Жетису уйғурлари ўзларининг қадимий урф-одатлари ва анъаналарини кенг сақлаб қолган. Уй-жой қурилишида миллий услуб, меҳмонхоналарнинг алоҳида безалиши, иссиқлик тизими бундан далолат беради.

УЙҒУРЛАР – БОҒДОРЧИЛИК ВА ҲУНАРМАНДЧИЛИКДА КАТТА ТАЖРИБАГА ЭГА ХАЛҚ

Юртимизда истиқомат қилувчи уйғурлар узоқ йиллар давомида боғдорчилик ва сабзавотчилик соҳасида ўзининг бой тажрибаси ва самарали меҳнати билан эътироф этиб келинмоқда. Улар учун чорвачилик асосан ёрдамчи тармоқ ҳисобланган. Хусусан, йилқи ва чорва моллари парвариши билан шуғулланиш одат тусини олган. Қўй ва эчки эса асосан бой ҳўжаликларда товар мақсадида парвариш қилинган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг дастлабки қайта ишлаш жараёни ҳам ривожланган. Деярли ҳар бир қишлоқда бир ёки бир неча сув билан ишловчи тегиримонлар, ёғ чиқарувчи ва шолли тазаловчи ускуналар бўлган. Айрим жойларда ҳозиргача улардан фойдаланиш анъанаси сақланиб қолган.

Ҳунармандлар устахоналари асосан бозорлар атрофида жойлашган. Улар кўп ҳолларда буюртма асосида ишлаган бўлсалар-да, бозор учун ҳам турли буюмлар тайёрлашган. Кенг тарқалган ҳунармандчилик турлари – этикдўзлик, тикувчилик, калпоқчилик, темирчилик, дурадгорлик ва чилангарлик ҳисобланган. Шунингдек, пичок-созлик, тиллакашлик ва ёғоч ўймакор-

ган печлар нон ва бошқа маҳсулотларни пишириш учун хизмат қилади.

Эски анъаналарга кўра, уй жиҳозлари жуда кам бўлган. Меҳмонлар учун мўлжалланган хонага болалар кирмайдди.

ҚАДИМИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ УЙҒУР АДАБИЁТИ ҲАҚИДА

Бу адабиёт асрлар давомида шаклланган, буюк адиб ва шоирлар – Абдураим Низари, Ҳиркати, Залели, Навбати, Билол Нозим, Саид Мухтор Қаший каби зиёлилар ижоди билан бойиб келмоқда. Шунингдек, у Маҳмуд Қошғарий ва Юсуф Хос Ҳожибнинг қадимги уйғур адабиётининг бевосита меросхўри сифатида юксалиб, бугун яна ўзининг янги тикланиш даврини бошдан кечирмоқда.

Ана шу буюк мутафаккирлар ўз асарлари орқали туркий халқлар тарихи, маданияти, тили, эътиқоди, урф-одатлари ва турмуш тарзи ҳақида жуда қимматли маълумотларни қолдирган. Хусусан, «Девону луғотит турк» ва «Қутадғу билиг» каби бебаҳо асарлар орқали умумтўркий маънавият, тил ва маданиятнинг бой мероси жаҳонга намоён этилган.

Бугунги кунда ҳам ёш истеъдод эгалари ижод намуналари орқали нафақат ўз халқи, балки бошқа миллат ва давлатларда ҳам танилиб келмоқда. Уларнинг асарлари турли тилларга таржима қилинган. Уларнинг қалами орқали ҳаётнинг замонавий қиёфаси, тарих ва турмуш ҳақиқатлари, миллий қадриятлар юксак бадиий образда ифодаланади. Шунинг учун ҳам улар ҳақли равишда замонавий уйғур адабиётининг етакчи номандалари сифатида эътироф этилади. Бугун бу эзгу мақсад йўлида Қўтлуқ Башаров, Леким Иброҳимов, Юсуф Толипов, Роҳила Ҳошимова каби истеъдодли адиб ва rassomлар фаол ижод қилиб келмоқда.

Уларнинг бетакрор асарлари нафақат мамлакатимизда, балки Швеция, Германия, Франция, Нидерландия ва Россия каби давлатларда ҳам кенг танилган.

Авазхон АБДУФАТТОҲ.

»» Мурувват



Қарноқ кишлоғида Райим-жон Қўчқоров раҳбарлик қилаётган “Ҳлес” хайрия жамоат жамғармаси саяй-ҳаракатлари билан иккита уй фойдаланишга берилди. Кўзи ногирон тургун Қудратулла Эрмад ўғли умр йўлдоши Муқаддас ва уч фарзанди билан янги беш хонали уйга кўчиб ўтишди.

Фаоллар Тойир Абдувалиев, Бекзод Ҳабибов, Лазиз Тошбой ўғли, Хусан Маккамбоев янги уйга ўз совғаларини туҳфа этишди. Тасмани тантанали қирққан фахрий оқсоқол Тўлқин Саидмуродов уйни қуришда ёрдам берган барча тадбиркорларга, хусусан, толмас ташкилотчи Р. Қўчқоровга кўпчилик номидан мустаҳкам саломатлик, янги зафарлар тилади. Кам таъминланган турғунларни янги уй саодатига сазовор этишда алоҳида танилган тадбиркор Муҳаммадрайим Рўзбой ўғлига



Р. Қўчқоров “Кёне Тўркістан перзенти” медалини тантанали тақдим этди.

Шу куни Қарноқдаги яна бир хонадон – умр йўлдоши оламдан ўтган, фарзанди Сиддиқ Саттор



ўғли билан истиқомат қилаётган Анора Отажонова янги уй саодатига мушарраф бўлди. “Ҳлес” қурган янги уйга яқинда келин тушиши режаланмоқда. Таъкидлаш жоиз, савоби мўл хайрия ишига



фаол обуначиларимиз Уйғун Иброҳим ўғли ҳамда Қудрат Тиловберган ўғли муносиб ҳиссаларини қўшганлигини ифтихор ила таъкидлаймиз. “Ҳлес” бунёд этган уйлар сони 48га етди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратларда: тантанали тасма қирқиш; тадбиркор Муҳаммадрайим Рўзбой ўғлига муносиб мукофот; янги уй пойида; онахон Анора Отажонова самимий миннатдорчилигини изҳор этди.

Муаллиф тасвирлари.

»» Обуначиларимиз орасида

24 ТИНГЛОВЧИГА СЕРТИФИКАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Туркистон шаҳридаги А. Байтурсинов номли 1-сонли мактаб лицейда “Қозоқ тили ва адабиёти фани педагогларининг фан ва касбий салоҳиятини ривожлантириш” мавзuidaги машғулотлар “Өрлеу” малака ошириш курси устозлари саяй-ҳаракатлари билан юксак савияда ўтди.



Асосий мақсад – машғулотлар қозоқ тилида бўлмаган умумтаълим мактабларида “Қозоқ тили ва адабиёти фанини ўқитиш жараёнини такомиллаштириш. Тренер-устоз Роза Қабилбаева курс давомида тингловчиларнинг маҳоратини ошириб, замонавий педагогик усулларни қўллаш орқали теран таассурот қолдирди. Биз тингловчилар ўзимиз учун ушбу фanning янги қирраларини кашф этдик.

Машғулот якунида Туркистон вилояти бўйича умумтаълим мактабларининг 24 устози махсус сертификатлар билан тақдирланди.

Г. ЭРМАТОВА,
Туркистон шаҳридаги Ш. Ниёзов
номли умумтаълим мактабининг
қозоқ тили ва адабиёти фани устози.

Суратда: курс тингловчилари устоз-тренер Роза Пайзулла қизи билан.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасида журналист Малика Элтееваннинг 19 июнь кунги 63-сонида чоп этилган “Ота бўлаш – масъулият, ўғил тарбиялаш – санъат” мақоласини ўқиб, ўз мулоҳазаларимни баён этишга қарор қилдим.

Ушбу мавзунини чуқурроқ тушуниш учун, аввал “Ота ким?” деган саволга жавоб излашимиз зарур. Бу саволга ҳар ким ўз ҳаёти, ўз тажрибаси ва хотиралари асосида турлича таъриф беради. Ким учундир ота – қаттиққўл, лекин меҳрибон инсон; яна ким учундир – индамас, лекин қалбида тоғдек масъулият юкини кўтариб юрувчи қаҳрамон.

Кўпчилик “ота” деганда энг аввало ўз отасининг юзи, юриш-туриши, гап-сўзи, қариндош-уруғ ва қўни-қўшни орасидаги обрў-эътибори, ҳаётга муносабати кўз ўнгиде гавдаланади. У – фарзанд учун оилани боғлаб турувчи пойдевор, хавф-хатардан муҳофаза қилувчи қалқон, ишонч бағишловчи кучли таянчдир.

Ота – бу фарзандни дунёга келтирибгина қўймай, уни инсонийлик, масъулият ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш вазифасини ҳам зиммасига олган инсондир. У нафақат моддий жиҳатдан, балки маънавий томондан ҳам фарзандлар учун намуна бўлади. Унга қараб бола ҳаётга, меҳнатга, инсонларга муносабатни шакллантиради.

Ота – ўғил бола учун алоҳида руҳий мактаб. Боладаги ирода, жасорат, масъулият ҳисси, ўзини бошқара олиш қобилияти кўп жиҳатдан отанинг шахсий намунаси орқали шаклланади. Ўғил фарзанд учун ота – ҳаёт йўлида йўл кўрсатувчи юлдуз, маслаҳатчи, зарур пайтда эса сукути билан тарбия қилувчи зотдир.

Падари бузруқворлар ўз фарзандларини илмга, касбга, ҳалолликка, сабр-тоқатга ва меҳнатсеварликка ўргатсалар, жамиятда камолотга эришган, маърифатли шахслар етишиб чиқади. Бу эса ўз навбатида нафақат оиланинг, балки бутун миллатнинг

»» Акс-садо

Ўғил болалар тарбиясида отанинг ўрни

келажагига ижобий таъсир кўрсатади. Шу боис, ўғил болалар тарбиясида отанинг иштироки ва шахсий намунаси – фарзанд келажагининг пойдевори, шахсий камолотига замин бўлиб хизмат қилади.

Одатда ҳаётда қандайдир муаммолари болани кўрсак, “Ота тарбия бермаган, қарамаган”, деган хулосага келамиз. Лекин бу ҳақиқат ҳам тўғри фикр эмас. Чунки ота доим гап билан эмас, балки ўзининг мавжудлиги, оиладаги мавқеи, ҳаётий муносабати орқали ҳам болага таъсир ўтказади. Отанинг уйда бўлиши – тинчлик, ишонч, куч ва таянч демекдир.

Ёш бола учун ота – энг кучли, энг ақлли, энг кўрқмас инсон ҳисобланади. У отасининг юриш-туришига, бошқалар билан муносабатига, ҳатто овқат ейиш ёки кийиниш услубига ҳам эътибор қаратади. Шу боис, ота қандай яшашини, қандай ишлаши, одамлар билан қандай муомалада бўлишини ўйлаб, ўзини тўғри тутта билиши фарзанди учун ҳаётий сабоққа айланади.

“Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак” деган нақл бор. Бу гап худди оталарга айтилгандай. Ота ўз фарзандидан ҳалол, меҳнаткаш ва одобли бўлишни талаб қилар экан, аввало ўзи ҳам шундай бўлиши керак. Чунки фарзанд – эшитганидан кўра, кўрганини тезроқ ўзлаштиради. Афсуски, баъзи ҳолларда оталарнинг сўзи билан амали тўғри келмайди: оғизда яхши гап айтса-да, ҳаётда бошқача йўл тутади. Бундай ҳолда бола нафақат адашади, балки иккиюзламачиликка ҳам ўрганади. Шунинг учун отанинг ҳар бир гапи, ҳар бир ҳаракати, ҳатто сукути ҳам болага ижобий таъсир қилувчи тарбиявий омилдир. Хулоса қилиб айтганда, бола тарбиясида ота жонли ўқув қуролига айланади. Унинг ҳаётга

қараши, инсонларга муносабати, масъулияти ва юксак одоби фарзанд қалбида меҳр, иноқлик ва ўз йўлини топиш учун замин яратади. Фарзандга яхши ҳаёт ўргатиш учун, аввал ўзимиз яхши ҳаёт кечиришимиз керак.

Ўғил бола ўсиб, ёшлик даврига кириб борган сари унинг ички дунёсида катта ўзгаришлар содир бўлади. Шу пайтдан бошлаб у нафақат отасининг сўзларига, балки ҳар бир қилган ишига, тутган йўлига ҳам диққат билан назар сола бошлайди. Агар у отасининг хатти-ҳаракатларида ўзини ҳайратга соладиган, орқасидан эргашишга арзидиган намуна кўрмаса, табиий равишда ташқи муҳитдан ўзи учун “кумир” – яъни, эргашадиган инсон қиёфасини излай бошлайди.

Руҳиятшуносликда бу ҳолат “идентификация” деб аталади – бола ўзига яқин инсоннинг хулқини, дунёқарашини, ҳаётга муносабатини ўзлашти-

Фарзанд отасининг сўзларини эмас, ҳаётини эшитади.

фақат сўз билан эмас, балки шахсий намуна орқали амалга ошади. Бола кўпроқ отасининг “айтиб берганини” эмас, балки “кўрсатиб берганини” қабул қилади.

Хулоса сифатида, оталарга бир фикрни эслатмоқ жоиз: сиз боланинг учун биринчи ва энг муҳим намуналар шахсиз. Бу улкан масъулият, аммо шу билан бирга, ажойиб имконият ҳам. Ундан тўғри фойдаланиш эса фарзанд тақдирига таъсир этадиган энг муҳим амаллардан биридир.

Бугунги кунда жамиятимизда кўпчиликини ўйлантираётган муҳим саволлардан бири – нега бир сўзли, масъулиятли, жасур, меҳнаткаш ва мард ўғил болалар сафи торайиб бормоқда? Бу саволга жавоб излар эканмиз, аввало бола тарбиясидаги замонавий муаммоларга тўхталишимиз лозим. Биринчидан, оилада оталарнинг тарбияга бўлган эътибори анча пасайган. Айрим оилаларда ота нафақат жисман, балки маънан ҳам тарбия майдонидан четлашган. Ҳолбуки, бола, айниқса ўғил фарзанд, отасидан эркаклик фазилатларини ўрганади – масъулият, сабр, ғайрат, мустаҳкам ирода ва ҳаётдаги мураккаб қарорларни қабул қилиш қобилияти шулар жумласидандир.

Руҳиятшуносликда бу “ролевой модел” тушунчаси билан изоҳланади – бола атрафдаги катталарни кузатиш орқали уларнинг ўрнига ўзини қўйишни бошлайди. Агар бу ўринда – яъни отанинг намунаси етарли даражада кўзга ташланмаса, бола ўзида эркакка хос фазилатларни тўлиқ шакллантира олмайди. Иккинчидан, мактабларда тарбия ва таълим борасида ҳам

гендер мувозанат етишмаяпти. Бугунги кун мактабларида 90 фоиздан зиёд ўқитувчилар хотин-қизлардир. Албатта, аёллар меҳрибон, барикенг, тўғри йўл кўрсатишда маҳоратли.

Аммо уларнинг табиати, ўз моҳиятига кўра, кўпроқ ҳимоя ва ҳиссиётга таянади. Улар меҳрибонлик билан тарбиялайди, лекин эркаклик фазилатларини болага сингдира олмайди.

Тарбия мувозанатида ҳам онанинг, ҳам отанинг ўрни алоҳида. Она болага муҳаббат ва меҳр бахш этса, ота унга ҳаёт сабоқларини, масъулият ҳиссини, ўзини ва ўз сўзини ҳимоя қилиш фазилатларини ўргатади. Агар бола фақат аёллар муҳитида ўсса, у жисман эркак бўлса-да, руҳан нозик, ҳиссиётларга мойил, фаол қарор қабул қилишда суст бўлиб қолиши мумкин.

Илмий жиҳатдан ҳам, бола шахсининг тўлиқ ривожланиши учун иккала жинс вакили – ота ва она – ҳаётда фаол иштирок этиши шарт. Буюк педагог В. А. Сухомлинский таъкидлаганидек: “Болага бир қанотли она берса, иккинчисини ота беради. Қанотсиз қуш учолмагани каби, бола ҳам тўлақонли тарбиясиз ривожлана олмайди.” Шунинг учун эркаксифат болаларнинг сони камайиб боришига сабаб фақат болалар эмас, аввало катталар – айниқса оталарнинг ўз вазифасини тўла адо этмаётганидир. Буни тан олиш оғриқли бўлса ҳам, ҳалоллик билан эътироф қилишимиз ва муаммони бар-тарafd этиш учун ҳаракат қилишимиз лозим.

Ҳар бир ота ўйлаб кўриши керак: фарзандимиз бизга қараб ўсаептимиз ёки биздан юз ўгириб, бошқага тақлид қилаяптими? Агар жавоб биринчи бўлса – бу бахт. Агар иккинчиси бўлса – бу оғоҳлик...

Турсунбой ЎРМОНОВ,
“Эрудит” ўқув марказининг
директори.

TASHENEV UNIVERSITY

Ж. ТАШЕНЕВ НОМЛИ УНИВЕРСИТЕТ

ТАЛАБАЛАРНИ ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ БИЗ БИЛАН БИРГА!



Бакалавр:
“6B01704-ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ” таълим дастури.
“6B01702-РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ” таълим дастури.

Магистратура:
“7M01704-ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ПЕДАГОГЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ” таълим дастури.
“7M01702-РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ПЕДАГОГЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ” таълим дастури.

ТАЪЛИМ ДАСТУРИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ ҚҲЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ:

- меҳнат бозори талабаларига мувофиқ умуммаданий ва касбий маҳоратларга эга бўлган олий маълумотли, рақобатбардош ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларини тайёрлаш;
- бўлажак мутахассисларни ўзбек тили ва адабиёти ўқитишнинг инновацион, интерфаол услубларидан самарали фойдаланишга ўргатиш (мактаб ўқувчиларига билим, кўникма, малака ва таълим сифатини назорат қилишни ўргатиш, таълим натижаларини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш йўллариини излаш);

ЯМТда ушбу йўналиш учун танлов фанлари:
ҚОЗОҚ ТИЛИ, ҚОЗОҚ АДАБИЁТИ



2024 йили “6B01704-ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ”,
2025 йили “6B01704-ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ” таълим дастурлари Халқаро аккредитациядан муваффақиятли ўтди!

КЕЛИНГ, ДУНЁВИЙ ТАЪЛИМ МАКОНИДА МУВАФФАҚИЯТГА БИРГА ЭРИШАЙЛИК!



Жумабек Ташенев номли университет талабалари академик мобиллик дастурлари орқали 30дан ортиқ хорижий университетларда таҳсил олиш имкониятига эга. Бундай имкониятлар талабаларга нафақат академик билимларини ривожлантириш, балки хорижий давлат маданияти, таълим усуллари ва амалиёт соҳалари билан яқиндан танишишларига ҳам ёрдам беради. Чет элда ўқиш талабаларга дунёвий илмий ва педагогик ўзгаришлардан хабардор бўлиш, шунингдек, жаҳон миқёсида рақобатбардош мутахассислар сифатида ўз салоҳиятини амалда қўллаш имконини беради. Бу ҳар бир талаба учун ажойиб имконият ва муҳим ҳаётий тажриба.

Академик мобиллик бўйича фаол ҳамкор университетлар:

- Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети (Ўзбекистон);
- Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (Ўзбекистон);
- Алфраганус университети (Ўзбекистон);
- Андижон давлат педагогика институти(Ўзбекистон);
- Фират университети (Туркия) ва бошқалар.

КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР:

1. Умумий ўрта, техник ва касбий ёки олий маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асл нусхаси)
2. 3x4 фотосурат (6та)
3. Шахсий гувоҳнома нусхаси (5та)
4. ЯМТ сертификати
5. 075/У шаклидаги тиббий маълумотнома асл нусхаси (флюорография)

МАНЗИЛ: Шимкент шаҳри.
Кўнаев шоҳқўчаси, 21
АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ:
+7 (7252) 53-71-52, +7 778 470 31 84
info@tashenev.edu.kz
email:info@tashenev.edu.kz
www.tashenev.edu.kz

»»» Ҳаётий нақллар

• Дин инсонийликнинг юксак қадрияти, поклик ва эзгулик манбаи эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Ҳеч қачон динга нисбатан ёмонликни боғлаб бўлмайди. Аксинча, дин ҳар қун, ҳар соатда, ҳар дақиқада миллионлаб инсонларни ёмонликдан қайтаришга, эзгулик йўлида юришга қорлайди.

• Аллоҳни қалб кўзи билан кўрган инсон У зотни қалбдан яхши кўради. Қалби пок, нияти тоза инсоннинг руҳи қудратли бўлади, дуолари ижобат бўлади. Чунки поклик, эзгулик инсоннинг бутун ҳаётига таъсир этади.

• Ҳақиқат охирида барибир ўз йўлини топади, чунки у Аллоҳнинг мулки. Одам ўз ҳаёти давомида Ҳақни излайди, изланади, тўғри йўлни топиш учун ҳаракат қилади. Бу сазй-ҳаракатлар зое кетмайди, улар бир кун келиб, инсон ҳаётида турли кўринишда ўз самарасини беради.

• Ҳаёт – эътиқод, шубҳа ва инкордан

ДИН – ПОКЛИК, ҲАҚИҚАТ ВА ҲАЁТНИНГ МАЗМУНИ

иборат. Ким шубҳага берилса, у эътиқодини йўқотади. Ким эътиқодини мустаҳкамласа, у ҳаётини маънавий асосда қуриши мумкин.

• Ҳақиқатни севган Аллоҳни севган бўлади. Илм-фаннинг энг юксак манзили ҳам айнан эътиқоддир. Илм ва дин – бир-бирига зид эмас, балки уйғун ва мазмунан боғлиқ тушунчалардир.

• Аллоҳ инсонни ер юзида халифа қилиб яратди. Инсон – барча моддий ва маънавий неъматларнинг эгаси, улардан оқилна ва эзгу мақсадларда фойдаланиш – инсоннинг маъсулятидир.

• Ҳақ йўлида юрган, дину диёнат, эътиқодда мустаҳкам бўлган инсонлар ҳақиқий маънавий бойликка эгадирлар.

Нақадар дунёвий мақом ёки бойликка эга бўлманг, агар эътиқодингиз бўлмаса, бу нарсалар ҳеч қандай маънога эга эмас.

• Ҳаётда биргина аниқ нарса бор – бу ўлим. Ҳар бир инсон яшаши, умри, соғлиги Аллоҳнинг омонати эканини унутмаслиги зарур. Ўлим – оғриқсиз, онгсиз ҳолда кечиши учун эмас, балки онгли, маънавий тайёргарлик билан унга пешвоз чиқиш мақсадагу мувофиқ.

• Энг муҳими, инсон ўз руҳи билан ҳамоҳанг яшаши лозим. Руҳдан йироқлашган, маънавиятни четга сурган инсон ҳеч қачон тўлақонли бахт ва хотирjamликка эриша олмайди.

Абдулла МАДАЛИЕВ.



БУГУН ЮРТИМИЗДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ КЕНГ НИШОНЛанаДИ. ЖУРНАЛИСТЛАР, БЛОГЕРЛАРНИ КАСБ БАЙРАМЛАРИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

Бир кун пийдасиз, бир кун уловда,
Тонада шаҳардасиз, кечқурун чўлда,
Умринг ярмиси ёмғирда, дўлда,
Ярмиси тўшалиб ётади йўлда –
Элим деб, юртим деб ёнган жонларим,
Журналист дўстларим, қадрдонларим.

Абдусайд КҲЧИМОВ.

Журналистика ва журналистлар ҳақида

- Муаллим ила муҳаррир миллатнинг икки қўлидир.
- Журналистика – қуриш ҳам, йўқ қилиш ҳам мумкин бўлган кучли восита. Биз ундан масъулият билан фойдаланишимиз керак.

Саидризо АЛИЗОДА, жадид.

Жереми ПАХМАН, британиялик тележурналист.

СИРОЖИДДИН РАУФ, ЖУРНАЛИСТ:

– ЖУРНАЛИСТНИНГ БИЛИБМИ, БИЛМАЙМИ ХАТО ЁЗИШГА, АДАШИШГА ҲАҚҚИ ЙҲҚ.

У ҲАМИША АХБОРОТНИНГ ТҲҲРИЛИГИНИ ТЕКШИРИШИ ШАРТ.

МАҚОЛА МУАЛЛИФ ТОМОНИДАН ТАҚРОР ВА ЯНА ТАҚРОР ҲҚИЛИБ, ТАҲРИР ҚИЛИНИБ, ПИШИҚ-ПУХТА ЁЗИЛГАНИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛИНГАНИДАН СЎНГГИНА ТАҲРИРИЯТГА – МАСЪУЛ КОТИБГА, МУҲАРРИРГА БЕРИЛАДИ.

Ягона қуроли – қоғоз ва қалам, Ўйлар у на бугун, на эртасини. Ҳақиқат йўлида сўнги дамда ҳам Ўлар, эсга олиб газетасини.

Абдулла ОРИПОВ.

Қасб байрами - шодиёна...

28 июнь – вақт билан ҳисоблашмай сўз воситасида одамлар дардига ҳамдард бўладиган, ҳақиқатни излаб, юртни ҳолис ахборот билан таъминлайдиган касб соҳиблари кун.

Бугун давлат ва жамият ОАВНИ қўллаб-қувватлаётми – қонунлар такомиллашмоқда, очиқ ахборот сиёсати шаклланмоқда, янги имкониятлар эшиклари очилмоқда.

Журналист – фақат ахборот тарқатувчи эмас, балки жамиятда онг, қараш ва фаолликни уйғотувчи куч ҳамдир.

Қаламингиз ўтқир, ниятингиз пок, касбингизда омад йўлдошингиз бўлсин, азиз ва мўътабар журналистлар.

Нодирхон ТОЖИМЕТОВ, ҚР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Агар кўпчилик сизни ёқтирса – зўрсиз, кўпчилик ёмон кўрса – энг зўрсиз!

Жозе МОУРИНЬО, буюк футбол мураббийи.

Оч қорин, бўш чўнтак ва яраланган қалб ҳаётнинг энг яхши сабоқларини беради...

Уорен БАФЕТ.

»»» Таботат

АНЖИР ШАРБАТИ БУЙРАК УЧУН ҚУВВАТ

Қурилган анжирни баравар миқдорда янчилган ёнғоқ мағзига аралаштириб, ҳар куни 70-90 г. дан еб турилса, совуқ миқозли беморлар буйрагини иссиқ қилиб, чахмазак (сийиш қийинлашуви) ни йўқотади. Анжир шарбати эса буйрак ва қовуқдаги чиқиндиларни ҳайдайди.

Араб хурмои (финик) данагини қайнатиб, суви ичилса, буйрак ва қовуқ тошларини майдалаё туширади.

Бўғимлардаги тузалардан халос бўлишда селдерей (кашничсимон ошқўк) ёрдам беради

Бунинг учун 10 г. селдерей илдири 500 мл. қайноқ сувда дамланади ва туни билан тиндирилади. Шу дамламадан кун давомида 3 маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин 1 ошқошиқдан ичиб турилади.

Муолажа тузалгунга қадар давом эттирилади.